# СУРХОНДАРЁ — ХЎЖАЛИК ҲИСОБИНИНГ ИЛК ОДИМЛАРИ

## Машаққатли йўл

— Район партия ташкилоти эндиликда оммавий-сиёсий, идеологик ва тарбиявий ишлар билан кўпроқ шуғулланмоқда. Одамларга зарур маданий-маиший шароит яратиш тўғрисида қайғурилаяпти. Ишнинг пировард натижаси учун кадрлар масъулияти оширилди, талабчанлик кучайтирилди.

**(Шеробод район партия комитетининг биринчи секретари Эшболта Шерматов сўзидан).**

Августнинг биринчи ярмидаёқ мутахассислар планни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди, деган хулосага келишди. Шундан сўнг асосий эътибор терим мавсумига тайёргарликка қаратилди. Техника шайлиги такрор-такрор кўздан кечирилди. Етиштирилган пахтанинг 80 процентини машиналар ёрдамида, қолган қисмини совхоз ишчиларининг кучи билан териб олишга, мактаб ўқувчилари ва шаҳарликларни безовта қилмасликка келишилди.

— Планни 23 октябрда бажаришни мўлжалладик, — деди Нуриддин Муродов номли совхоз директори Шоди Беккелдиев мавсум арафасида районда ўтказилган йиғилишда.

Бултур давлатдан қарздор бўлган хўжалик раҳбарининг гапларига баъзилар ишонишса, бошқалар иккиланишди.

— Биз йигирманчи октябрда бажарамиз, — деди мусобақадош Владимир Қодиров номли совхоз директори Чори Мамаражабов.

Ўшанда иккала директор ҳам аниқ ҳисоб-китобга асосланганликлари кейинроқ равшан бўлди. Нуриддин Муродов номли совхоз пахтакорлари планни 16 октябрга уддалашди. Мусобақадошлар улардан уч-тўрт кун кейин маррага етдилар.

Сурункасига икки йил планни бажармаган хўжаликнинг бу йил областда иккинчи бўлиб зафар қучиши кўпчиликни ажаблантириши табиий. Қолоқлик совхоз меҳнаткашларини толиқтирди. Тўлиқ хўжалик ҳисоби шароитида давлатдан қарздор бўлинса, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошиши ёки социал масалаларни ҳал этиш тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли йил бошидан қолоқликка барҳам беришга астойдил киришилди. Ер яхшилаб текисланди, тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кадрларга нисбатан талабчанлик оширилди. Кўкламда 3.400 гектарнинг 1.325 гектарига АН-60 нав чигит экилди.

— АН-60 навидан кутилганидан зиёд ҳосил етиштирилди, — дейди илғор звено бошлиғи Абдишукур Мисиров. — 51 гектарнинг ҳар гектаридан ўттиз беш центнердан хирмон кўтардик. Ҳосилнинг тўқсон проценти бункерлардан тўкилди. Йиллик планни биринчи теримдаёқ бажардик. Чаноқлари катта, пахтаси тош босади. Машина тоза теради. Қайта ишловчилар бу нав бешинчи тип тола беради, дейишаяпти. Бизнингча, селекционерлар шундай навлар яратиш устида изланишлари лозим.

Нуриддин Муродов номли совхоз деҳқонлари бу йил баракали ҳосил етиштиришди. Механик-ҳайдовчилар зўр иштиёқ билан меҳнат қилишди. Иш икки сменада йўлга қўйилди. Иссиқ овқат, чой мунтазам муҳайё қилинди. Тележкалар бункерлардан ағдарилган оқ олтинни пешма-пеш ташиб туришди. Натижада 96 та агрегат билан 8,2 минг тонна пахта терилдики, бу ялпи хирмоннинг 80 процентини ташкил этади.

Дала гвардиячилари ўртасидаги мусобақада III ва II даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари соҳиби коммунист Омон Маматраимов пешқадам. У бултур район механизаторлари орасида ғолиб чиқиб, «Жигули» енгил автомашинаси билан тақдирланганди. Бу йил ҳозиргача шогирди Бахтиёр Бобомуродов билан тўрт қаторли машинада 308 тонна пахта терди. Омон эсини таниганидан бери механизатор. Чўлга кўчиб келганига ўн етти йил бўлди. Юсуф Пўлатов бошлиқ бригадада ишлаяпти. Чигит экади, қатор ораларига ишлов беради, экинни озиқлантиради. Бу йил бригада аъзолари давлатга пландаги 254 тонна ўрнига 270 тонна пахта топширишди. 47 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олинди. 90 процент пахтани Омон билан Бахтиёр агрегатда териб беришди.

— Машинада кўп теришнинг сири йўқ, — дейди О. Маматраимов. — Фақат тажриба керак. У бир-икки йилда эмас, ўн йилларда ҳосил бўлади. Совхозимизда ўн-ўн беш йил рулни бошқараётган механизаторлар саноқли. Меҳнат оғирлик қилдими, енгил-елпи иш ахтарувчилар ҳам топилади. Кўп пахта териш учун фақат агрегат эмас, механизатор ҳам тайёр бўлиши лозим. Теримга тушгач машина иложи борича тўхтамаслиги керак. Ҳар йили етиштирган пахтамизни ўзимиз терамиз. Совхозда зангори кемалар группа қилиниб ишлатилади. Менимча, пахтани тоза териш, ҳосилни ерга тўкмаслик учун ҳар бир механизатор ўз бригадасидан тергани маъқул. Шубҳасиз, у палапартишликка йўл қўймайди. Пешона тери билан етиштирилган ҳосилни пайҳон қилишга йўл қўйиб бўладими! Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи механизаторлар 5—6 центнергача ҳосилни тўкиб кетишади. Бели оғримаганнинг нон ейишини қаранг, деганлари шу-да.

Шерободлик пахтакорлар 60.300 тоннадан зиёд хирмон уйдилар. Ялпи ҳосилнинг деярли саксон фоизи машиналарда терилди. Мавсум арафасида берилган ваъда бажарилди: оқ олтин ҳашарчиларсиз, мактаб ўқувчиларисиз саранжомлаб олинди. Ишчи кучи кам бўлган Владимир Қодиров номли, Усмон Юсупов номли совхозларда деҳқоннинг ишончли кўмакдоши — техникадан оқилона фойдаланилгани шунга олиб келди.

## Ер эгаси деҳқон бўлгач

— Пахтачиликда бригада ва оила пудрати жорий этилиши, аввало, меҳнат интизомини мустаҳкамлади. Деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳис этмоқда. Нафақат бригадирнинг, далада ишловчи ҳар бир кишининг топшириққа муносабати ўзгарди. Колхозимизнинг, қолаверса область пахтакорларининг ғалабасида иш юритишнинг илғор усуллари алоҳида роль ўйнаганлигини таъкидлаш жоиз.

**(Шўрчи районидаги Киров номли колхоз правлениеси раиси Аҳад Мустафоев сўзидан).**

Мавсумнинг сўнгги кунлари. Ўртабўз массивида деҳқончилик қилаётган Тўхта Эшимов бошлиқ бригада далаларида меҳнат авжида. Колхозчилар охирги мисқолларни йиғиштириб олиш билан бирга бўлғуси ҳосил тараддудини кўришмоқда.

— Бугун-эрта ғўзапояни юлишга киришамиз, — дейди бригадир. — Ҳосилдан тозаланган далани илиқ-иссиқ кунларда ҳайдаб қўйсак, қишда дам олади. Илгари шудгорни бошлаш-бошламаслик тўғрисида юқоридан буйруқ кутардик. Бунинг ишга фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўларди. Ер эгаси деҳқон бўлгач, ихтиёрни ҳам унга бериш керак.

Пудрат асосида меҳнат қилаётган бу бригаданинг бултурги довруғи бутун мамлакатга тарқалди. М. С. Горбачев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида сўзлаган нутқида бригада муваффақиятини таъкидлади. Коллектив бу йил 67 гектарда мўл ҳосил етиштирди. План ҳам, социалистик мажбурият ҳам хўжаликда биринчи бўлиб бажарилди. Гектаридан 33,5 центнер ўрнига 45 центнердан ипак пахта йиғиштириб олинди. Дастлабки маррани эгаллаш учун ўн уч иш куни кифоя қилди. Сентябрнинг сўнгги ўн кунида 80 процент миқдорида оқ олтин тайёрланди. Жами ҳосилнинг 90 фоизини ерга уруғ қадаган, ғўзага ишлов бериб озиқлантирган механизаторлар Жалил Шоймардонов билан Эшбой Абдуллаев териб беришди. Бригада хўжаликка 270 минг сўм даромад келтирди.

Коллектив ютуғига шубҳаланувчилар ҳам топилди. Экин майдони ўлчаниб, 67 гектар эканлиги аниқланди. Кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш каби қинғир ишларнинг умри қисқа. Бригада ипак пахтадан мунтазам юқори ҳосил етиштираётганлигининг боиси ҳалол, фидокорона меҳнатдир.

— Ерни алдамаслик керак, — дейди Тўхта Эшимов. — Бу ўз-ўзига хиёнат қилиш дегани. Баъзи бригадалар пудратга ўтдик, чек усулини жорий этганмиз деб далага маҳаллий ўғит чиқаришга, ерга зарур минерал ўғитни беришга кўзлари қиймайди. Бу билан ўзлари алданишади, холос. Биз аввало ерни тўйғазамиз. Янги ҳосил тараддуди ерни шудгорлашдан бошланади. Дала ғўзапоядан тозалангач, ҳайдов олдидан гектарига 300—350 килограммдан калий ва фосфорли ўғит сепилади. Шудгордан сўнг 8—10 тоннадан маҳаллий ўғит солинади. Анчадан буён ерни бир жўяк ҳосил қилиб ҳайдаяпмиз. Шудгорланган майдон сув юзасидек текис бўлади.

Бригадада ҳар бир агротехник тадбир вақтида, сифатли ўтказилади. Биринчи галда кўчатлар бут бўлишига эътибор берилади. Ҳар гектарда 110 минг туп ниҳол олинади. Чигит униб чиқаётганда маҳаллий ва минерал ўғит солиниб, дарҳол сув таралади. Биринчи ва иккинчи сув эгат ташлаб берилади. Шунда ғўза қуруқ пуштадан ҳарорат, сув юрган жўякдан нам ва озуқа олиб, тез ривожланади. Механизаторлар қатор ораларига қарама-қарши ишлов беришади. Бу пайтда культиваторлар учинчи тезликда юради. Чеканка ва дефолиация ҳам шундай тезкорлик билан амалга оширилади.

Ўтган йилдан бошлаб хўжаликда чек усули жорий этилган. Пудрат меҳнат интизомини мустаҳкамламоқда. Бригада кенгашлари долзарб масалаларни муҳокама этаяптилар. Аъзоликка қабул қилишга ҳам шундай масъулият билан ёндашилади. Чек деҳқонни иқтисодий таҳлил билан шуғулланишга ундамоқда. Пахтакор планни бажаришнигина эмас, хом ашёнинг сифатини, мабләғдан тўғри фойдаланишни, ортиқча харажатларга йўл қўймасликни, пировард натижани ўйлайди. Бултур Т. Эшимов бошлиқ бригада аъзолари бир сўм асосий иш ҳақига 2 сўм 48 тийиндан қўшимча олишганди. Бу йил пландагидан 80 минг сўмлик зиёд маҳсулот сотилди. Якунда қўшимча ва мукофот ўтган йилгидан кўп бўлиши табиий.

Шўрчи районидаги Киров номли колхоз пахтакорлари қарийб 5 минг тонналик ипак хирмон уйдилар. План ортиғи билан адо этилди. Ҳосил ёрдамчиларсиз йиғиштириб олинди. Чўтбой Мустаров, Эргаш Тоштемиров, Хушбоқ Фармонқулов, Қудрат Мустафоев, Эргаш Йўлдошев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 38—40 центнердан ошди.

Термиз районидаги «Гулбаҳор» совхози бу йил планни областда биринчи бўлиб бажарди. Давлатга қарийб 3,5 минг тонна оқ олтин топширилди. Оилавий звеноларда ҳосилдорлик бир йилда 15—20 центнерга кўпайди.

— Деҳқонларимиз фидокорона меҳнат билан қолоқликни бартараф қилдилар, — дейди илғор бригада бошлиғи Ҳабибулло Холмуродов. — Йил бошида бўлимлар ўрнига комплекс механизациялашган бригадалар тузилди. 38 та звенодан 18 тасида оилавий пудрат жорий этилгани яхши самара берди. Келгусида барча звенолар пудратга ўтишади. Совхоз раҳбарлари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, чўлқуварларга қулай шароит яратиш билан шуғулланишса бас. Пахта етиштириш тўғрисида қайғурадиганлар бор, булар — оилавий звенолар.





**Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхоз пахтакорлари областда илғорлар қаторида планни бажаришди. Мавжуд 1.860 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил саранжомланди. Она-Ватанга 5.800 тоннадан зиёд хом ашё ҳадя этилди, унинг 93 проценти биринчи сортга ўтди. Мавсумда механизаторлар зўр ғайрат кўрсатдилар.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Илғор бригада бошлиғи Х. Маликов. 2. Машина терими пайти.**

И. ХЎЖАЕВ фотолари.

## Қувончли натижа

Область колхоз ва совхозлари йил бошидан тўлиқ хўжалик ҳисоби ҳамда ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишди. Экономикани юритишнинг бу усули бошқа тармоқлардаги сингари пахтачиликда ҳам қўл келаётир.

Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз-техникум — йирик хўжалик. Меҳнат аҳли 4.464 гектарда ингичка толали пахта етиштиради. Планни бажариш учун гектаридан 33,7 центнердан ҳосил олиш, 15.050 тонна оқ олтин тайёрлаш лозим.

— Ҳар гектар ҳисобига қўшни Шеробод райониникидан қарийб етти центнер, бир ариқдан сув ичадиган Охунбобоев номли совхозникидан 4,5 центнер зиёд пахта етиштиришимиз планлаштирилган, — дейди директор Абдусалом Ғозиев. — Қўриқ шароитида гектаридан ўттиз уч центнердан ипак хирмон кўтариш осон эмас. Баҳордан кузгача пахтакор учун қулай келган йил ҳамиша ҳам такрорланавермайди. Ернинг ҳақиқий эгаси — деҳқон, деймиз-у юқоридагилар уларнинг фикри билан ҳисоблашмайдилар. План ҳамон тепадан белгиланиб, сўнгра область, район, қишлоқ Совети сессияларида тасдиқланади. Планлаштириш аксинча бўлиши керак. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда. Лекин амалда эскича аҳвол.

Директор буни планни бажаролмаётгани учун айтаётгани йўқ. Топшириқ аллақачон уддаланган; ҳозир 17 минг тонналик маррани эгаллаш учун курашилмоқда. Ҳар бир шонани гулга, гулни кўсакка айлантириш учун саратон жазирамасида озмунча меҳнат қилинмади. Тўлиқ хўжалик ҳисоби коллектив меҳнат натижасини тарозига қўйиш экан. Механизатор, сувчи ёки бригада бошлиғи билан янгилик хусусида суҳбатлашсангиз, улар сира иккиланмасдан: «Ортиқча сарф-харажатларга чек қўйиш, ҳар кимга меҳнатига яраша ҳақ тақсимлаш, тежамкорликка қатъий амал қилиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, шу ҳисобдан моддий манфаатдорликни ошириш», — дея лўнда жавоб беришади. Бу — ҳақ гап. 15.705 тонна ёки бултургидан 4.155 тонна кўп хом ашё сотиб, пахтачиликдан 15,5 миллион сўм даромад олишни кўзлаётган хўжаликда бошқача фикр бўлиши мумкинми? Ялпи ҳосилнинг 11 минг тоннаси ёки 73 проценти машиналар ёрдамида саранжомланди. Ойбек номли Термиз давлат педагогика институти студентлари бир ой ёрдам бердилар. Лекин асосий ҳосил хўжалик ишчиларининг кучи билан йиғиштириб олинди. Ҳашарчиларсиз айниқса, мактаб ўқувчиларини теримга жалб этмасдан планни барвақт бажариш мумкинлигига ишонч туғилди. 9 бўлим, 59 бригаданинг ҳаммаси планни ортиғи билан адо этди.

Ўрмон Эгамбердиев раҳбарлик қилаётган 6-агроучастка деҳқонлари маррага биринчи бўлиб етдилар. 466 гектардан 1.680 тонна пахта тайёрланди. Коллектив мусобақа шартига кўра, беш минг сўм мукофот олди. Ўрмон ака — тажрибали деҳқон, чўлда кўп йиллардан бери меҳнат қилади.

— Кўклам қулай келганини, чигит қисқа муддатда қадалганини алоҳида таъкидламоқчиман,— дейди Ўрмон Эгамбердиев. — Бузиб экиш кам бўлди. Ерга уруғ тушган кундан ҳосил пишиб етилгунгача ҳар бир агротехник тадбир ўтган йилдагидан 10—12 кун барвақт ўтказилди. Масалан, чеканкани, дефолиацияни бултургидан ўн беш кун олдин бошладик. Совхоз дирекцияси, партия ташкилоти ҳосилни ўқувчиларсиз, асосан машиналар билан териб олишни мақсад қилиб қўйдилар. Механик-ҳайдовчилар ўттиз баллик конкурсдан ўтказилди. Унда механизаторнинг билими, агрегатни бошқариш тажрибаси, шпинделларни тўғрилаб қўйиш маҳорати, пахтани тоза ва ерга тўкмасдан тера билиши, техника хизматини вақтида ўтказиш қоидалари, ҳатто меҳнатига тўланадиган иш ҳақини билиш-билмаслиги синаб кўрилди.

Совхозда агроучасткалар, бригадалар, механик-ҳайдовчилар, тележкачилар, теримчилар ўртасидаги социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилди. У белгиланган муддатда якунланиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилдилар. Ростини айтганда, сўнгги йилларда меҳнат беллашуви ҳозирги мавсумдагидек қизғин тус олмаганди. Бир кунда қабул пунктига қарийб 900 тоннагача пахта топширилди. Олти ўн кунда мусобақа пешқадамларига 33,9 минг сўм мукофот пули тарқатилди. Арабали Дўстмуродов, Хўжаёр Алиёров, Хуррам Сувонов, Эшим Абдураҳмонов, Шомурод Тўраев, Жўра Исматов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнердан ошди.

Олти йилдан буён совхозда диспетчерлик хизматидан фойдаланилмоқда. Икки оператор участкаларда қилинадиган ишларни, мутахассисларнинг вазифаларини радио орқали етказиб туради. Кундалик ишларни режалаштириш, участка ва бригадалардаги аҳволдан хабардор бўлиш, зарур ёрдам уюштириш ҳам шу тартибда бажарилади. Бу хўжаликнинг 85 километрли айланма йўлида вақтни, транспорт харажатларини тежаш имконини бераяпти. Пахтакорлар уч-тўрт йилдан буён Термиз давлат педагогика институти профессори Назар Йўлдошевич Тўраев билан ҳамкорликда чигитни лазер нури бериб экишни тажрибадан ўтказмоқдалар. Бу йил 340 гектарга чигит шу тариқа қадалди. Бундай чигит ёғин-сочинда чиримаслиги, текис униб чиқиши, касалликка чалинмаслиги, ҳосили бошқаларга қараганда 7—8 кун барвақт пишиши, чигит ёғлилиги 1,5 процент юқорилиги маълум бўлди. Тожи Худойназаров бошлиқ бригада 52 гектарга шундай чигит эканди, натижа ёмон бўлмади. Ҳар гектардан 34 ўрнига 40 центнердан ипак пахта етиштирди. Мамат Исмоилов бошлиқ бригаданинг ўн гектарлик картасида ҳосилдорлик 43 центнерни ташкил этди.

— Йил якунланишига оз қолаяпти. Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш совхозга қандай самара беришини айта оласизми? — сўрадик бош экономист Назар Чоршанбиевдан.

— Буни фақат мен эмас, ҳаммамиз тасаввур қилаяпмиз, — деди бош экономист. — Аввало меҳнатга муносабат кескин ўзгарди. Ҳозир ишчи онгида олдин совхоз иши, кейин уй-рўзғор юмушлари, деган фикр пайдо бўлди. Бу — муҳим. Чек усули жорий этилгани бу фикрни моддий жиҳатдан мустаҳкамлаяпти. Илгари бригада аъзолари моддий харажатлар устидан назорат қилишмасди. Ҳозир кенгаш тузилиб, назорат йўлга қўйилди. Уруғлик, ўғит, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказолар харажати энди фақат участка ёки бригада бошлиғини эмас, ҳар бир ишчини қизиқтиради. Чунки улар тежаб борилса, якунда 70 проценти коллективга берилади.

Хўжалик ҳисоби шароитида деҳқон фақат мўл пахта етиштиришнигина эмас, балки харажатларни қисқартириш, арзон ва сифатли маҳсулот олиш, кўпроқ даромад эгаси бўлиш устида бош қотиради. Хўжаёр Аллаёров бошлиқ бригада 73 гектар майдонда деҳқончилик қилади. 24 кишидан иборат коллектив давлатга пландаги 256 тонна ўрнига 292 тонна пахта топширди. Ҳосилнинг 86 проценти машиналар бункеридан тўкилди. Қолганини ҳам ўз кучлари билан теришди. Тайёрланган пахтанинг 90 фоизи биринчи сортга ўтди. Бригада 290 минг сўм даромад қилди. Тўққиз ойда иш ҳақи ва турли харажатлардан 19,8 минг сўм тежалди. Бу маблағнинг 70 проценти ишчиларга тегишли.

Бошқа бригадаларда ҳам хўжалик ҳисоби натижалари қувончли. Масалан, совхозда минерал ўғитдан тўғри фойдаланиш, исрофгарчилик ва талон-торожликка чек қўйиш эвазига ҳар килограмм азот ҳисобига етиштирилган пахта бултургига нисбатан салкам беш килограмм кўпайди. Бу йил пахтачиликдан келадиган фойда ўтган йилдагига қараганда 5 миллион сўм зиёд, жами 10 миллион сўмдан ортиқ бўлиши кутилаяпти. Демак, ишчиларнинг моддий манфаатдорликлари ошади. Муҳими, хўжаликда социал масалаларни ҳал этишга, инсон омилига эътибор яхшиланади. Амалга оширилаётган хайрли ишлар шундай хулосага келишга имкон беради.

## Ипак тола муаммоси

— Сурхондарё Иттифоқимиз тўқимачилик саноатига ва қатор хорижий мамлакатларга кўп миқдорда ипак пахта толаси етказиб бераётганлигига қарамасдан, унинг истиқболи билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаяпти. Деҳқонларнинг уруғчиликни яхшилаш, баргни сифатли тўкадиган дефолиант яратиш, ипак пахтанинг харид нархини кўтариш тўғрисидаги таклиф ва мулоҳазалари оқибатсиз қолаяпти. Толаси нафис ипак пахта етиштириш сермашаққат эканлигини фақат деҳқонгина ҳис эта олади.

**(Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг механик-ҳайдовчиси, Меҳнат Шуҳрати орденининг тўлиқ нишондори Холмурод Ғофуров сўзидан).**

Область пахтакорлари эришган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Улар пахта тайёрлаш планинигина эмас, машина терими, ингичка толали пахта сотиш топшириқларини ҳам ортиғи билан адо этдилар. Қарийб 245 минг тонна оқ олтин бункерлардан ағдарилди. Шеробод, Гагарин, Ленин йўли, Қумқўрғон районларининг механизаторлари айниқса салмоқли натижаларга эришдилар. Сурхондарёликлар 330 минг тоннадан зиёд олий нав хом ашё топшириб, ипак пахта усталари эканликларини яна бир бор намоён этишди. Қарийб 126 минг гектарда ипак пахта етиштирилди. Унинг 97,5 минг гектарида Термиз-14, 20,2 минг гектарида Термиз-16 нав ғўза ўстирилди. Область пахтачилик тажриба станцияси селекциячилари пахтанинг юқори ҳосилли, иссиққа чидамли, тезпишар ва машинабоп навларини яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда. Лекин область агросаноат комитети деҳқонни етарли миқдорда сара уруғ билан таъминлашни яхши йўлга қўя олмаяпти. Термиз-14 нави уруғчилиги бўйича иккита элита хўжалиги ташкил этилган, холос. Аммо мазкур хўжаликларда бу муҳим ишга етарли эътибор берилмайди. Термиз-16 нави катта майдонда етиштирилаётганлигига қарамасдан ҳозиргача районлаштирилмаган.

— Нима учун бу нав районлаштирилмаяпти? — сўрадик область агросаноат комитети раиси Х. Ш. Шарофуддиновдан.

— Пахта-қоғоз саноати марказий илмий текшириш институти момиғида катта тола кўп, деган эътирозни рўкач қилмоқда.

— Тўқимачилик саноати корхоналарининг муносабати қандай?

—1987 йил ҳосилидан Иттифоқимиздаги ва хорижий мамлакатлардаги 54 та корхонага 4.140 тонна Термиз-16 нав толаси жўнатилган. Унинг 353 тоннаси биринчи, 400 тоннаси иккинчи, 204 тоннаси тўртинчи сорт. Табиийки, қолгани сара сорт. Тўқимачилик комбинатлари мутахассисларидан нав тўғрисида илиқ гаплар битилган кўплаб хатлар келмоқда. Масалан, В. И. Ленин номидаги Глухово ип-газлама комбинатининг Новогребен фабрикаси бош ва классификатор инженерлари Термиз-16 нав толаси 3-типга мувофиқ келишини таъкидлаб, келгусида уни кўпайтиришни илтимос қилишган.

Нав, ҳосил, ундан чиқаётган тола деҳқонга, қайта ишловчиларга ва тўқимачиларга манзур бўлса-ю илмий текшириш институтида уни районлаштиришга қаршилик кўрсатишаётгани кишини ажаблантиради. Ҳолбуки, бу нав экилган майдон 20,2 минг гектарга етди. Ленин йўли районидаги Ленин номли, Будённий номли совхозларда, Шўрчи районидаги Киров номли колхозда тўлиқ шундай пахта етиштирилмоқда. Баъзи хўжаликлар ҳатто заводлардаги техник чигитни уруғлик учун ишлатишаяпти. Айримлари эса бу навнинг биринчи ёки иккинчи эмас, тўртинчи репродукцияли уруғини экишмоқда. Уруғчиликка бундай муносабат селекционерларнинг сермашаққат меҳнати ва изланишларини зое кетказиши ҳеч гап эмас.

Октябрнинг ўртасида Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг Термиз-16 нав экилган пайкалларини кўздан кечирдик. Чамандек очилган лўппи-лўппи пахтадан деҳқон беҳад хурсанд. Амир Абдуллаев бошлиқ агроучастканинг Аҳмад Мажидов бригадаси далаларида ҳеч қачон бу йилгидек ҳосил битмаганди. 37 гектар майдондаги пахтани машинада икки карра териш билан план бажарилди. Гектаридан 33 центнердан топширилгандан кейин ҳам яна 10—12 центнердан ҳосил бор эди.

— Уруғлик сара бўлса, деҳқон кўзлаган ҳосилини олади, — дейди тажрибали пахтакор, Ленин ордени соҳиби Бекмурод Зайниев. — Областимиз селекционерлари ипак пахтанинг деҳқонбоп навларини яратишаяпти. Афсуски уни районлаштириш, уруғчилик ишларини йўлга қўйиш оқсаяпти. Термиз-16 нави хўжаликларда уч-тўрт йилдан буён экилаяпти. Деҳқон нав хусусиятларини ўрганиб, агротехникасига энди сингишаётган бир пайтда келгуси йил экилиши даргумон, деган хабарлар ҳафсаламизни пир қилади. Биз шу навни экамиз, деб ўйлаб қўйгандик. Бу аҳволда икки-уч йилда сурхондарёликлар қайси навни етиштиришларининг ўзи муаммога айланади. Ёки дефолиант масаласини олайлик. Ҳозир ишлатилаётган хлорат магний ингичка толали ғўза баргини мутлақо тўкмайди. У фақат қовжираб, машина далага бир карра кириб чиқмагунича осилиб тураверади. Германия Федератив Республикасидан келтирилаётган дропп дефолианти икки йилдан буён яхши самара бермоқда. Лекин у қиммат. Наҳотки олимларимиз шундай дориворни ўзимизда яратишолмаса?

Деҳқонлар фикрини механизаторлар ҳам маъқуллашади. Ипак пахтани терадиган агрегат эмас, сифатли дефолиант яратиш ҳам муаммо бўлиб турибди.

⊙

Область пахтакорлари зафар қучишди. План ортиғи билан уддаланди. Тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиб, ишни қайта қуриш талаблари даражасида ташкил этган хўжаликларда дастлабки йилиёқ кўзланган мақсадга эришилаяпти. Термиз районидаги «Гулбаҳор», Шеробод районидаги Нуриддин Муродов номли, Владимир Қодиров номли, Усмон Юсупов номли, Бойсун районидаги Ойбек номли, Сариосиё районидаги «Коммунизм», Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозлар, Шўрчи районидаги Энгельс номли, Киров номли, Денов районидаги «8 Март», Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозлари заршунослари ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, чек усулини, пудратнинг бригада, оила ва ижара шаклларини қўлланиш муваффақиятлар гарови эканлигини амалда кўрсатдилар.

**Б. КЕНЖАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

Бугун Совет милицияси куни

# ҚАЙТА ҚУРИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қайта қуриш жараёнига янги йўналиш бахш этди. Унда жамият ҳаётининг барча соҳаларида дахлдор бўлган янгиланиш муқаррар эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Хўжасизликка, талон-торожга қарши қатъий кураш олиб бориш, давлат интизоми, иқтисод ва тежамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳам кун тартибига ҳеч қачон ҳозиргидек кескин қўйилмаган эди. Бинобарин, худди шу нуқтаи назардан ички ишлар органлари зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Улар талон-торожнинг, порахўрлик, чайқовчилик, хуллас, меҳнатсиз даромаднинг бошқа кўринишларини ўз вақтида аниқлаш, бу иллатларни юзага келтирувчи шарт-шароитларни ўрганиб бартараф этишда чуқур ўзгаришларга эришмоқлари лозим.

Мазкур йўналишда муайян тадбирлар белгиланмоқда. Тармоқ министрликлари, идоралари, ҳуқуқ-тартибот ва назорат органларининг жамоатчилик билан келишган ҳолда профилактика чораларини қўллаinitial тажрибаси тобора мустаҳкамланмоқда. Республика Агросаноат давлат комитети, Госснаб, Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари «Ўзбекбирлашув», Нефть маҳсулотлари давлат комитети билан биргаликда ўтказилган коллегия мажлисларида, Ўзбекистон ССР ҳуқуқ-тартибот органларининг мувофиқлаштирувчи кенгашларида ана шу ишни янада такомиллаштиришнинг асосий йўллари ҳақида сўз борди. Республика ички ишлар органларининг меҳнатсиз даромад ва яширин ишлаб чиқаришга қарши фаолиятининг ялпи программаси тузилиб амалга оширилмоқда.

Милициянинг жиноят қидирув, БХСС, тергов аппарати, жамоат тартибини муҳофаза қилиш сингари бўлинмаларини мустаҳкамлаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланганлиги бу ишларни амалга ошириш томон қўйилган муҳим қадам бўлди. Кадрларнинг сифат состави яхшиланди. Ички ишлар органларида ишловчиларни конкурс йўли билан танлаб олиш имкониятидан кенг фойдаланилаяпти. Ортиқча бошқарув аппаратлари қисқартирилди. Шу йўл билан аҳоли ўртасида бевосита иш олиб борувчи бўлинмаларни сезиларли даражада мустаҳкамлаш имконияти туғилди.

Сўнгги йилларда республикамиз милиция органлари лаёқатсиз, ўзларининг ишчанлик ва аҳлоқий сифатларига кўра жиноятчиликка қарши муваффақиятли иш олиб боролмайдиган кишилардан тозаланди. Совуққонликлари, айрим пайтларда эса хизмат манфаатларига хиёнат қилганликлари натижасида совет милицияси ходими деган юксак номга доғ тушираётганлардан қутилиш осон кўчаётгани йўқ. Бироқ ҳозир аҳвол тубдан ўзгармоқда. Ички ишлар органларида хизмат қилишга халқ хўжалиги мутахассислари, олий ўқув юртларининг битирувчилари, жумладан коммунистлар ва комсомоллар, шунингдек, ички ишлар органларини мустаҳкамлаш учун юборилган партия, совет органларининг вакиллари келмоқдалар.

Ошкоралик, илгарилари гапириш ман этилган муаммоларнинг очиқ муҳокама қилинаётганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида меҳнатсиз даромадларга, ичкиликбозлик, гиёвандликка, қарши кураш мавзуларида республика матбуоти, радио ва телевидение орқали мингдан зиёд чиқишлар қилинди. Раҳбарларнинг аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлиб савол-жавоб қилишлари анъанага айланаяпти. Жорий йилда шундай учрашувлардан ўн тўққизтаси ўтказилди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш давомида келгусида фаолиятимизни ривожлантиришнинг тегишли йўл-йўриқларини аниқлаб олдик. Кишиларнинг мулоҳазаларини ўрганиш, камчиликларимизни аниқлаш, ҳал этилмаган масалаларни ойдинлаштиришнинг конкрет тадбирларини белгилаш имконини берди.

Республика «Билимлар уйи», «Қишлоқ ҳақиқати», «Ёш ленинчи» газеталари редакцияларида бўлиб ўтган давра суҳбати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувларда ички ишлар органлари фаолиятида қайта қуришнинг бориши хусусида қизиқарли, фойдали мулоҳазалар билдирилди.

Жамоатчилик билан алоқа тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Кўнгилли халқ дружиналари, комсомол оператив отрядлари, жамоатчи ходимлар жиноятчиликка қарши курашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда ҳеч бир рейд ва текшириш уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Ҳосилнинг, озуқанинг, чорва молларининг сақланишини текшириш, чайқовчилик, гражданларнинг ҳақига хиёнат қилишнинг олдини олиш соҳасидаги ялпи, комплекс текширувларда омма фаол қатнашмоқда.

Социалистик мулк муҳофазасидаги намунали ишлардан бир неча мисол келтираман. Собиқ Жиззах области ички ишлар бошқармаси БХСС ходимлари жамоатчилик иштирокида автомашиналар билан йирик ҳажмда чайқовчилик қилганлиги учун Октябрь районидаги «Лола» универмаги бўлим мудири Б. Очиловни қўлга тушириб жиноий жавобгарликка тортдилар. Чуст район матлубот жамияти дўкон мудири А. Нурматов, Учқўрғон район матлубот жамиятига қарашли 24-магазин мудири А. Мўминов, Хўжаобод район «Сельхозкоммунремонт» экспедитори И. Ваҳобов ва давлат мулкига хиёнат қилган бошқа кишиларни фош этишга БХССнинг жамоатчи ходимлари катта ҳисса қўшдилар. Давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида жиноятчиларнинг умумий ҳажми 67 минг сўмлик пул ва қимматбаҳо буюмлари мусодара этилди.

Ўтган тўққиз ой давомида меҳнатсиз даромад орттиришга қаратилган 30 мингдан ортиқ турли жиноятлар фош этилди. 21,2 миллион сўмлик пул ва моддий бойликлар давлат ҳисобига ўтказилди. Йирик ва алоҳида йирик ҳажмда содир этилган 3,5 мингдан зиёд талон-торожлик ҳоллари аниқланди. 210 та порахўрлик, 3,1 минг чайқовчилик, харидорлар ҳақидан уриб қолишга доир 5 мингга яқин ҳолат фош этилди.

Жиноий тажовузларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Аввалги йилдагига қараганда 1,5 мингта кўп жиноятнинг йўлига ғов қўйилди. Бироқ булар ички ишлар органларининг экономика соҳасидаги қонунбузарликка қарши курашнинг бошланиши, холос. Ҳали олдинда катта ишлар турибди. Социалистик мулк муҳофазасини таъминлашнинг аҳволи давр талабларига жавоб бермайди.

Республика халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида ҳамон хўжасизлик, халқ мулкига бепарво муносабатда бўлиш вазияти ҳукмрон. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳоллари, афсуски, давом этмоқда. Қатор корхоналарда идоравий назорат савиясининг пастлиги, ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши, интизомнинг сустлиги натижасида ўғрилик ва бошқа суиистеъмолликлар юзага келаяпти. Оқибатда ҳар йили давлатга бир неча ўн миллион сўмлик зарар етказилаяпти. 1987 йилда республика Агросаноат давлат комитети тармоқларида бу миқдор қарийб 20 миллион сўмни, матлубот кооперациясида 25,2 миллион сўмни, давлат савдосида 4,9 миллион сўмни ташкил этди.

Ички ишлар органларининг ташкилий ва амалий фаолияти марказида бундай ҳолатларни юзага келтириш ва ва амалга оширишга имконият берувчи сабабларни ўрганиш масаласи турибди. Халқ хўжалиги тармоқларида жиноятчиликка қарши курашнинг илғор методларидан фойдаланиш асосида савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларидаги талон-торож этувчилар, чайқовчиларнинг ташкил топган гуруҳлари фош қилинди. Жумладан, Фарғона область Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармаси томонидан Қўқон умумий овқатланиш трестининг айрим ходимлари жиноий жавобгарликка тортилдилар. Улар шаҳардаги пайпоқ тўқиш бирлашмасидагилар билан тил бириктириб, меҳнаткашларга бериладиган овқатланиш талонларини ҳисобдан чиқариш йўли билан 151 минг сўмни чўнтакка урганлар.

Халқ хўжалиги тармоқларида тартиб ўрнатилаётганлигини таъкидлаш билан бирга, эришилган ютуқларнинг ҳали чегара эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Манфаатдор министрлик ва идораларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ва назоратчи маҳкамалари бу масалаларни кўнгилдагидек ҳал этиш учун биргаликда келишиб ҳаракат қилишлари зарур.

Экономиканинг кооператив ва шахсий меҳнат фаолияти билан боғлиқ нисбатан янги тармоқларидаги салбий кўринишлар ҳам бирмунча ташвишли. Масалан, умумий овқатланиш соҳасидаги кўпсонли кооперативлар бевосита хом ашё базалари, ёрдамчи хўжаликлари мавжуд эмаслигига қарамай бозор ва савдо корхоналаридан гўшт маҳсулотларини харид қилиб, ўз фаолиятларини ниҳоятда кенгайтириб юбордилар. Бевосита маҳсулот ишлаб чиқармай, амалда фақат воситачилик қилиб товарлар хариди ва реализациясидан жуда катта фойда олаётган кооперативларнинг ҳаракатини тартибга солиш хусусида жиддийроқ ўйлаб кўриш лозим. Республикада Давлат план комитетига бу муаммоларни ўрганиш юзасидан тегишли таклифлар киритилди.

Харидорларни алдаш, уларнинг ҳақига хиёнат қилиш ва чайқовчиликка қарши кураш муаммолари ҳали кун тартибидан тушгани йўқ. Ҳар йили 6 мингтача ана шундай ҳолатлар аниқланиб айбдорларга жазо берилаётганлигига қарамасдан аҳвол яхшиланмаётир.

Майда ўғриликларнинг кенг тарқалганлиги гражданларда асосли ташвиш туғдириб, уларнинг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлаяпти. Жорий йилда халқ хўжалиги объектларида 19 мингдан зиёд ташмачилар қўлга тушиб, улардан бир неча ўн минг сўмлик маҳсулотлар тортиб олинди. Бу масалада идорадан ташқари қўриқлаш хизмати, БХСС патруль-пост хизмати бўлинмалари, милиция участка инспекторлари, автомобиль инспекторларидан қатъийроқ чоралар кўришни талаб қилишга ҳақлимиз.

Қонунбузарликларни келтириб чиқарувчи ҳолатларни жиноий жавобгарликка тортиш миқдорини кўпайтириш ёки жазо чораларини кучайтириш билангина бартараф этиш мумкин эмас. Ҳуқуқий тарбиявий, профилактик тадбирлар комплексини давлат ва хўжалик органларининг аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлари билан уйғунлаштириш лозим. Савдо корхоналари ишини тубдан яхшилаш, комиссион савдо даражасини ошириш, молия интизомини мустаҳкамлаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Социалистик мулк муҳофазаси умумий куч-ғайратларни бирлаштирганда, бу ишга жамоатчилик кенг жалб этилгандагина кўнгилдагидек бўлади.

Бугунги анъанавий байрам айёмида биз ички ишлар органларининг барча ходимларини, уларнинг кўнгилли ёрдамчиларини самимий табриклаймиз, Совет милицияси инқилобий қайта қуришимизни рўёбга чиқаришда фаол қатнашадилар, деб ишонч билдирамиз.

**Ғ. РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари.**



**Жиззах шаҳар давлат автомобиль инспекцияси катта инспектори Илҳом Эргашев ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонган. У 1983 йилда Тошкент политехника институтини битириб, область ички ишлар бошқармасига ишга келган эди. Катта лейтенант Эргашев ўзининг билимдон, меҳнатсевар ва хизматга садоқатли ходим эканлигини намойиш қилаяпти.**

**СУРАТДА: давлат автомобиль инспекцияси катта инспектори И. Эргашев.**

Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

*Мақсуд Шайхзода туғилган куннинг 80 йиллиги олдидан*

# БИР ҒАЗАЛ ТАРИХИ

Мақсуд Шайхзода бир шеърида: «Агар шоир ҳақгўй ва қалби пок бўлса — демак у абадий барҳаётдир», — деб ёзган эди. Бу фикрни ўзининг ижодига нисбатан бериладиган бўлса, унинг 50 минг мисрага яқин поэтик мезонини ана шу хислат белгилайди. Шайхзода салоҳияти ниҳоятда буюк. Унинг шеърий мисраларида ҳақгўйлик ва покиза қалб ҳарорати бор. Шоирдаги одамийлик, вафо ва садоқат туйғуларининг барқ уриши шеърий мисраларига кўчган. Назмидаги нозиклик, меҳр ва муҳаббат, ширинсуханлик, оққўнгиллик оҳанрабодек киши қалбини ўзига ром этади. Шу боис бўлса керак, унинг ўқувчилари ҳам, дўстлари ҳам, мухлислари ҳам кўп эди.

Устоз айниқса классик анъаналарни давом эттирувчи шоирларга алоҳида меҳр ва муҳаббат билан қаради. Мен домланинг Ғафур Ғулом ва Собир Абдулла билан бўлган самимий яқинлигига шоҳидман. Бу уч алломаи замон кечаларни тонгга улаб, суҳбат қурганларининг гувоҳи бўлганман. Собир Абдулла айтмоқчи, «арзон гаров ғийбат, бозори касод ҳасратлардан» бутунлай ҳоли бўлиб, классик салафларнинг ноёб сатрларидан бошланган бу суҳбатлар кўнгил торларини тебратувчи қўшиқ сатрларга бориб уланарди. Ниҳоят, Ғафур Ғулом қўлига дутор олиб машқ бошларди.

Фузулий ва Мирзо Бедил, Навоий ва Муқимий каби шеър заршуносларининг ғазалларини чуқур таҳлил қилиши, уларнинг туюқ ва муаммоларини енгил еча олиши билан дўстлар ҳурматини қозонган Мақсуд ака бадфеъл, фикри саёз, шарқона ғазалиётдан нари кишилардан узоқ бўлгани ҳолда Ғафур Ғуломдек зукко, Собир Абдулладек ғазал гулшанида нозик таъб дўстларининг ижодини ардоқларди.

Маълумки, Собир Абдулла шеърларининг кўпчилигини классик, поэзиямизда асрлар бўйи асосий вазн бўлиб келган арузда ёзган. Аруз қадимий шарқ шеъриятининг, шу жумладан классик ўзбек назмининг ҳам қарийб минг йилдан ортиқ тарихий тараққиёти давомида юзлаб сўз санъаткорлари тажрибасидан ўтиб, тобора сайқал топиб борган, деярли ҳар хил кўринишларда вужудга келган энг кўҳна ва ҳамиша навқирон шеърий ўлчовлардан биридир. Шайхзода аруз хусусида гапираркан: «Бизнинг адабиётшуносларимиз классик анъаналар ҳақида, арузнинг тақдири ҳақида баъзи абстракт мунозаралар билан бош қотирдилар. Ҳолбуки, анъаналарнинг барҳаётлиги учун далил керак бўлса, бунинг жонли тимсоли Собир Абдулла эканини унутдилар», — деб куюнганди. Бу сўзлар билан Шайхзода фақат Собир Абдуллани эмас, балки классикларимиздан бизга мерос бўлиб қолган ғазал жанрини ҳимоя қилди ва арузнинг барча мураккаблиги билан унинг техникасини пухта эгаллашга даъват этди.

Айрим танқидчилар Собир Абдуллани «арузчи шоир» деб, унинг ижодини камситишга уриндилар. Ана шундай пайтда Шайхзода олиму фозил сифатида Собир Абдулла ижодини чуқур ўрганар экан, аруз вазнининг кенг имкониятларини тушуниб етмаганларнинг фикрини рад қилди: «Мен, Собир Абдулланинг анъанавий тарзда ёзган ғазалларида гўё Алишернинг дардини, Бобирнинг қувноқлигини, Машрабнинг лоқайдлигини, Нодирабегимнинг андишасини, Фурқатнинг назокатини ва Ҳамзанинг урфонини ўқигандек бўламан», — деб ёзган эди «Собиримиз» номли мақоласида. У ғазал ишқий мавзудагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий борада ҳам ёзилиши мумкинлигини тан олмаётган кимсалардан оғринди. Даврлар ўтиши билан бу жанрнинг хусусиятлари, турлари, шакллари ривожланиб, сайқалланиб, камол топаётгани ҳақида фикр юритди.

1967 йилда Собир Абдулла «Мавлоно Мақсудга мактуб» номли шеър ёзди (Бу шеърни у кейинчалик «Жавобсиз қолган мактуб» деб номлаган эди). Шоирнинг шахсий архивидаги материаллар орасида сақланаётган ҳужжатда мазкур шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида баъзи фикрлар мавжуд. Шайхзода оғир касаллик билан Тошкентдаги «Луначарский» касалхонасига тушган вақтда Собир Абдулла ҳам у ерда даволанаётган эди. Икки қадрдон ҳамдард бўладилар. Врачлар Собир Абдуллага уйга кетишига рухсат берадилар. Буни у дўстига билдиради. Ҳамроҳи бир сўз демаса ҳам унинг руҳиятида қандайдир ўксиниш, қандайдир дилгирлик кўринади. Бу ҳолатни сезган Собир Абдулла Шайхзодани ёлғиз қолдирмаслик ниятида врачлар рухсат берсалар яна бир-икки ҳафта қолишга тайёрлигини айтади. Шайхзода фидойи дўстидан бу сўзни эшитиб, унинг қўлтиғидан олади ва ташқарига олиб чиқади:

— Мулла Собир, — дейди у «Казбек» тутатар экан. — Муҳаббатингиз учун ташаккур! Соғайибсизми, бу ерни елкангизнинг чуқури кўрсин. Аммо мен ҳали турадиганга ўхшайман, қон босимим ниҳоятда юқорилигидан бўлак касалларим ҳам борга ўхшайди! Бугун-эрта Ғафур келар эмиш, бош врач айтди, жой ҳозирлашаяпти. Зерикмайман, тузалмагунимча кетмайман. Сизга дўстим, жавоб! Аммо шу шарт биланки дам олиш кунлари янги ҳажвий машқлардан чўнтакка солиб қадам ранжида қилиб турасиз...

Собир Абдулла касалхонага сўнгги дафъа бориб қайтар экан, унда бир фикр пайдо бўлади. Энди Шайхзода руҳини кўтариш керак! Бунинг учун арузда унга атаб дўстона бир қасида ёзиб, газетада бостириш лозим. Шеър ёзилгач, редакция ходимлари уни Шайхзодага олиб бориб ўқиб бермоқчи бўладилар. «Шайх ака жавоб ёзишлари шубҳасиз. Шундан кейин ҳазил-мутойибага бой мазкур шеърларни газетага босайлик», — деб маслаҳат берадилар. Бироқ газета ходимларининг оқилона ташаббуслари ва Собир Абдулланинг нияти амалга ошмайди. Дўсти билан видолашган шоир «Жавобсиз қолган мактуб» ҳақида шундай деб ёзган эди: «Шайхзода шеърият олами билан абадий видолашиб, оламдан кўз юмган эди. Шеър ўз соҳибига етиша олмай, жавобсизлигича қолди. Шеърият карвони жуда олисларга сафар қилди, лекин бу карвон, қанча йироқлашмасин, ҳаёт гулшанида ҳамон-ҳамон жаранглаб туради».

**Малоҳат АБДУРАҲМОНОВА,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими.**

Собир АБДУЛЛА

## МАВЛОНО МАҚСУДГА МАКТУБ

**Меҳрибон дўстсанки, Мақсуд, барчага парвода Шайх,**
**Кўрмадик дўстлар сени бир лаҳза истиғнода Шайх.**
**Бўлса эрди барча шайхлар сен каби пок, кошки,**
**Утдилар бир нафс учун халқни талаб дунёда Шайх.**
**Шайхдан жирканди халқ ўтган замонда шунчалар,**
**Хонақои зулмат ичра муфлису афтода Шайх.**
**Қўл берай десам сенга, дўстим, сўзимдан кулмагин,**
**Қўл берур ҳар кимса, топса сен каби озода Шайх.**
**Шу қувончликим, қадрдон ҳамқалам дўстим менинг**
**Оқ кўнгил, фикри равон, ширин забону содда Шайх.**
**Шайх деганда сиз бунинг ҳайрони бўлманг, ёшлар,**
**Ҳаммага манзуру машҳур дўстимиз Шайхзода Шайх,**
**Бу замоннинг Шайхига кимдир қойил бўлмаган?**
**Бемурид, беҳирка, бедастору бесажжода Шайх.**
**Катта шоир, катта олим, катта фозиллик билан**
**Давр амри неки бўлса, жон билан ижрода Шайх.**
**Бўлди банд йиллар ёзиш бирлан Улуғбек васфида,**
**Дарс ўқир ҳозирги кун Берунийдек донодан Шайх,**
**Шеърият кайфи билан кўргач сени бебаҳралар**
**Дер эмиш, завқинг тушунмасдан: «Ичибдир бода Шайх!»**
**Навқирон ёшлик, Ғафур бошлиқ кезиш ёдингдадир,**
**Гоҳи боғ сайрида соғар гашти, гоҳ сабода Шайх.**
**Утди у ёшлик, оқарди сочу бўлдик мўйсафид,**
**Умр ўтар, ёшлик кетар ҳар лаҳза, ҳар аснода Шайх.**
**Шеъримизнинг Шайхи — Мақсуди, деди Собир сени,**
**Бу ёмон маънода бўлмай, яхши бир маънода Шайх.**

## КАТТАҚЎРҒОН ТЕАТРИ ТУРКМАНИСТОНДА

**Абдулҳамид Мажидий номли Каттақўрғон шаҳар драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари яқинда Чимкент областидаги гастролдан қайтишган эди. Мана, бир неча кундирки, унинг «Гулдаста» деб номланган 15 кишидан иборат коллективи қардош Туркманистоннинг Чоржўй области томошабинларига маданий хизмат кўрсатмоқда.**

**Программада Ўлмас Умарбековнинг жамиятимиз тараққиётига зид иллатларни фош қилувчи «Курорт» спектаклидан саҳналар, қайта қуриш даври мавзуидаги масал ва интермедиялар, Ватан, қардошлик, севгини тараннум этувчи куй, қўшиқ ва яллалар бор.**

**Чоржўйлик шинавандаларга артистлардан Мустафо Туробов, Қадамжон Юсупов, Низом Қодиров, Норжон Ўроқова, Бахтиёр Ражабовнинг ижрочилик маҳоратлари манзур бўлмоқда.**

**«Гулдаста» коллективининг туркманлар диёридаги ижодий сафари уч ҳафта давом этади.**

А. ҲОШИМОВ.

## Спорт ахбороти

### ТЎРТИНЧИ УРИНИШ

Футбол бўйича биринчи лига мусобақалари ниҳоясига етди. Ғолиб командалару қуйи лигага тушиб кетадиган коллективлар маълум бўлди. Душанбенинг «Помир» ва Волгограднинг «Ротор» клублари бу йил олий лигани тарк этган «Нефтчи» (Боку) ва «Қайрат» (Олмаота) командаларининг ўрнини эгаллашди. Пермнинг «Звезда», Ворошиловграднинг «Заря» ва Никополнинг «Колос» коллективлари эса қуйи лигага тушиб кетишди.

Шу кунларда тўққиз зона ғолиблари ўртасида айни шу клублар ўрни учун кураш бормоқда. Улар орасида республикамиз вакили Фарғонанинг «Нефтяник» командаси ҳам борлиги ишқибозларни хушнуд этган эди. Афсуски, ҳамюртларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлай олмадилар. Тўғри, улар Омскнинг «Иртиш» командасини ҳам сафарда, ҳам ўз майдонларида мағлубиятга учратиб, тўрт очкони қўлга киритишди. Гарчи Кишинёвда «Нистру» клубига ютқазиб қўйган бўлишса-да, (0:1), Фарғонада ўтказиладиган матчда икки тўп фарқ билан ғалаба қозонганларида биринчи лигага барвақт йўлланма олишлари мумкин эди. Афсуски, бундай бўлмади. Жавоб учрашуви 1:1 ҳисобида тугади. Иккала команда ҳам тенг — бештадан очко тўплади. Кишиневда зафар кучган «Нистру» коллективи Омскнинг «Иртиш» клуби билан ўтказиладиган учрашув натижасидан қатъий назар келгуси йилда биринчи лига мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шундай қилиб, «Нефтяник»нинг ана шу йўлланмани олиш учун тўртинчи марта уриниши ҳам муваффақият келтирмади.

Бу йилги мавсумда биринчи лига мусобақаларида бир янгилик жорий этилган эди. Шунга кўра командалар махсус совринни олиш учун курашдилар. Саралаш учрашувларини яхши ўтказган Ростовнинг СКА ва Тошкентнинг «Пахтакор» коллективлари илк финал матчини ўтказишди. Бу учрашув ҳам чемпионатнинг сўнгги беллашувидаги каби 2:1 ҳисобида тугади. Унда армиячиларнинг қўли баланд келди.

Энди командалар яна бир марта куч синашишади. Бу учрашув индинга Тошкентда ўтказилади. Пахтакорчилар унда икки тўп фарқ билан ютсалар бас, биринчи лиганинг илк бор таъсис этилган совринини қўлга киритадилар.

### ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Шайбали хоккей бўйича СССР биринчилигининг олий лигасида мусобақалар қизиб бормоқда. Ўн тўрт кучли коллектив қисқа муддатли танаффусдан сўнг юксак ўринлар учун курашни яна бошлаб юборди.

Ўтган турда олтин медаллар учун даъвогарлар — ЦСКА ва «Крилья Советов» командалари ўртасидаги матч кўпчилик эътиборини жалб этди. Маълумки, уларнинг биринчи учрашуви дуранг бўлган эди. Бу сафар ҳам шундай натижа қайд этилди. Аммо матч қизғин кураш остида ўтди. Армиячилар ҳисобда икки бор олдинга чиқиб олдилар — 2:0, 3:1. Аммо «Крилья Советов» хоккейчилари ҳужумкорликка зўр бериб, пировардида ҳисобни 3:3 қилиб тенглаштиришга муваффақ бўлдилар.

Иккинчи ўринда бораётган Москванинг «Динамо» командаси ўз майдонида «Автомобилист» клуби билан бўлган учрашувни 10:1 ҳисобида ютди.

**Редактор**
**А. Ғ. МУХТОРОВ.**

## ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

**11 НОЯБРЬ, ЖУМА**

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Совет қўшиқларидан концерт.
9.35 Халқ ижодиёти.
10.05 «Огарева, 6». Бадиий фильм.
11.30 Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.10 «Қайта қуриш прожектори».
16.20 «Нега ва нима учун?». Болалар учун кўрсатув.
16.50 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама».
17.35 Ангола миллий байрами — Мустақиллик кунига. «Саҳро ва океан туташган жойда». Киноочерк.
17.55 Актуал объектив. «Ихтирочилик ва экология». Ҳужжатли фильм премьераси (Ростов кинохроника студияси).
18.45 **XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.** Ҳисобот ва сайловлар. 4-кўрсатув.
19.30 «Дунё воқеалари».
19.45 СССР халқ артисти С. Ростоцкий фильмлари. «Ер ва одамлар»
21.30 «Время».
22.00 «Қайта қуриш прожектори».
22.10 1988 йил қўшиқлари.
22.25 «Нигоҳ». Тунги информацион-музикали программа.
23.00 Катталар учун мультфильмлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Қўрқув билмай». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Г. Х. Андерсен эртаклари. 4-синф.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 СПТУ ўқувчиларига. Астрономия. Сайёралар.
11.35, 12.35 Музика. 6-синф. Кураш ва норозилик қўшиқлари.
12.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
13.05 «Сокинлик». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.10 Қадрдон ўтмиш. «Қария ва шаҳар». Ҳужжатли фильм.
14.30 Янгиликлар.
14.40 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 3-серия — «Уруш».

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.45 «Саёҳатчилар клуби».
19.45 Концерт.
20.15 «Устма-уст зарба». Ҳужжатли фильм премьераси.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
20.50 Ю. Казаков. Ҳикоялар.
21.20 «Қайта қуриш прожектори».
21.30 «Время».
22.00 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Жальгирис». Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
23.50 Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. «Сояда 40 даража иссиқ». Телевизион бадиий фильм премьераси («Озарбайжонфильм»).
01.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ

15.00 «Шарқ афсонаси». Фильм-балет («Тожикфильм»).
16.05 «Сергей Лазо». Бадиий фильм.
17.30 «Ўқитувчи экрани».
18.00 Янгиликлар.
18.15 Ўсмирлар учун. «Ровесник» (рус.).
18.50 «Чорвадор». Қишловнинг бориши ҳақида.
19.20 Македония телевидениесининг программаси.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 Долзарб интервью.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Музикали композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.10 «Касаба союз ҳаёти». Ишчи назорати ҳақида.
23.15 «Ретро». Экранда — «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари. «Фурқат». Бадиий фильм.
00.45 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.25 «Спорт, қишлоқ ва фантазия». Телефильм.
19.50 «Сеҳрли занжир». Кинокомедия («Мосфильм»).
21.00 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. АСК (Тошкент) — НКИ (Никополь). Ёзиб олинган репортаж.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.10 Ҳужжатли фильмлар экрани. «Маршал Конев ҳақида қисса» (рус.).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 10085. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2138. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12